

HUQUQ

28

(395)

YURIDIK GAZETA


Iyul

D.	4	11	18	25	
S.	5	12	19	26	
Ch.	6	13	20	27	
P.	7	14	21	28	
J.	1	8	15	22	29
Sh.	2	9	16	23	30
Y.	3	10	17	24	31

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Сўлим гўшалар сизни чорламоқда, азизлар.



OLIJ MAJLIS SENATIDA

ҚЎМИТА ЙИФИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қонуңчилик ва суд масалалари қўмитасининг мажлисида Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Халқ таълими вазирлиги муассасаларидаги ижроси муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан халқ таълими вазири Т.Жўраевнинг маърузаси тингланди.

Муҳокамаларда таъкидландики, халқ таълими тизимида ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Шу мақсадда ишлаб чиқилган тадбирлар қатори миллий дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарори, шунингдек мамлакат президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармони изчил билан бажарилмоқда. Мақтабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган барча қатламнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари қабул қилиниб, дарслик ва қўлланмалар chop этилган.

Халқ таълими вазирлиги ҳар йили ҳуқуқшунослик бўйича республика олимпиадаси, ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган анжуманларни ўтказиб келаяпти. 2004-2005 ўқув йилининг ўсида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш муаммоларига бағишлаб 27 та конференция, семинар ва давра суҳбати ўтказилди.

Мажлисида шунингдек, ишчи гуруҳининг ахбороти ва мулоҳазалари тингланди. Халқ таълими вазирлигига бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз раҳбарининг «Независимая газета»га берган интервьюсида айтилган гоёларга асосланувчи Ўзбекистонда юридик таълимнинг ягона концепциясини ва уни ҳаётга татбиқ этиш режасини ишлаб чиқиш, ўрта таълим дастурига ҳуқуқий маданият дарсларини киритиш таклифи қилинди. Таълим муассасаларида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан Адлия вазирлиги, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, фуқаролар йиғинлари, ёшларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда фаолиятни мувофиқлаштириб бориш механизмини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Шунингдек, ОАВ ва матбуот нашрлари билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига ургу берилди. Зеро, ОАВ ва матбуот жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим ўрин тутадди.

Ўқув юртларида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимларини жалб этган ҳолда ҳуқуқий маданият дарслари ўтказилишини ташкил этиш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ишлаб чиқишини зарур. Йиғилишда умумтаълим мактаблари учун ҳуқуқшунослик бўйича етарли миқдорда дарсликлар нашр этилишини таъминлаш, лотин алифбосидаги юридик адабиётлар аъдини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq» мухбири

MUNOSABAT

12-13 май кунлари Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида ҳаёт одатдаги ўзанида кечаётган, фуқаролар иш, ўқиш, турмуш ташвишлари билан банд эдилар. Андижон воқеасининг овозаси оёсайишта турмуш тарзини издан чиқармади. Зоҳиран кўзга ташланмаса-да, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг кенг қамровли, узлуксиз фаолиятининг самараси бу. Хусусан, Фарғона давлат университети ўқитувчилари ноҳуш хабар олинган эрта тонгдаёқ йиғилиш ўтказиб, тинчлик ва оёсайишталиқни таъминлаш вазифаларини тақсимлаб олишди. Аудитория ва ётоқхоналарда мамлакатимиз президентини ўтказган матбуот конференцияси намоёйиш этилиб, бўлмағур миш-миш тарқалишининг олди олинди. Ўқиш жараёни одатдагидай давом этди. Мухбиримиз университетнинг маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича биринчи проректори Абдуғаффор Шарофиддинов билан ёшларни диний экстремизм ва терроризмга қарши гоёвий қуроллантиришининг долзарб масалалари хусусида суҳбатлашди.

— «Ахборот» кўрсатувида жи-

ноий тўдага адашиб қўшилиб қолган 20 ёшлардаги йиғилиш кўрсатишди. Унинг афсус-надомати ўйлантиради кишини. Ёшларни исломнинг асли моҳиятини бузиб талқин қилаётган бузуғчи оқимлар тасвирдан асраш учун ҳуқуқий, маънавий-маърифий

лодда ҳодиса қайд этилмади. Бир ҳафта мобайнида факултет деканлари, уларнинг ўринбосарлари ва кафедралар мудири ётоқхоналарда туғи навбатчиликда турдилар.

13 май кунни талабаларнинг ўзбек тили ва адабиёти фанидан республи-

феврал ойидан бошлаб барча олий ўқув юртлари қатори университети-мизда ҳам «Диний экстремизм ва терроризмга қарши қурашнинг маънавий-маърифий асослари» номли махсус курс машғулоти ўтказилаяпти.

— Ҳуқуқий-фуқаролик жамия-тининг муқтаҳам асослари Андижон воқеаларида яна бир марта синовдан ўтди. Ҳуқуқ асосларида бохабар қишлар жиноятчиликнинг даъватига қарши чиқишди. Фуқароларга қонуңларга ҳурмат ва иш-ат, қонуңбузилмишларга муросасиз-лик руҳини сингдиришда сизлар тарбиялаб етиштираётган педагоглар-нинг алоҳида ўрни бор.

— Иختисосидан қатъи назар, бўлажак педагогларимиз ҳуқуқ асосларини атрофича эгаллаша-япти. Бу соҳада дарслар билан чекланмай вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини тақлиф қилиб, турли мавзуларда суҳбат ва учрашувлар ташкил қилаяпти. Ҳуқуқий жиҳатдан билимдон педагоглар ёшларни ҳуқуқ асослари билан қуроллантириш давр талабидир. Билмасдан ҳуқуқбузарлик содир этиш фуқаро-ни жавобгарликдан халос қилмай-ди. Ҳуқуқий саводхон киши ҳуқуқбу-зарлик содир этмайди. Андижон воқеаси маърифий ишларимизни янада юқориқор кўришга кўтаришни долзарб вазифалардан қилиб қўйди.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Huquq» мухбири

АНДИЖОН ВОҚЕАСИНИНГ САБОФИ

тарбияни янада кучайтириш зарур...

— Андижондаги воқеалар бу бора-да фаолиятимизни танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ноҳуш хабар олинган кунни эрталаб Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимовнинг топшириғига асосан проректорлар, бўлим бош-ликлари, факултет деканлари билан йиғилиш ўтказиб, ўқув жараёни уз-луксиз кечишини таъминлаш чоралари белгиланди. Ётоқхоналарга бориб тартиб-интизомни, талабаларнинг дарсга тўлиқ қатнашишини назоратта олдиқ. Ижарада турадиган талаба-ларнинг даъоматига эътибор берил-ди. 13 май кунни машғулоти одатда-гидай бошланди. Ҳеч қандай фавқу-

ка олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда 16 та олий ўқув юрти, жумладан, Анди-жон давлат университети талабалари ҳам билимларини намоёйиш этишди.

Ётоқхона ва аудиторияларда «Ҳиз-бут-тахрир» ва «Ақромия» деб атал-миш оқимларнинг ислом динига ёт, ғайриқонуний моҳияти тўғрисида маъ-руза ва суҳбатлар ўтказилди. Тала-баларимизнинг Андижонда хунрез-лик уюштирилган қоралаб барча ёшларга қилган мурожаати «Фарғона ҳақиқати» газетасида chop этилди. Домларимиз қишлоқ ва маҳалла-ларда суҳбатлар ўтказиб, экстремиз-мнинг қирдиқорлари ҳақида га-пириб беришди.

Вазирликнинг буйруғига асосан

— Ўқиш ёки иш билан банд бўлма-ган ёшларни ғайриқонуний оқимлар тасвирдан асраш учун нима-ларга эътибор бериш керак?

— Матбуотда, телевидениеда ди-ний-маърифий кўрсатув ва мақола-лар билан бир қаторда жамоат таш-килотларининг имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ёшлар билан маъмули кеча ва учрашувлар уюш-тириб, динимизнинг асли моҳиятини билдириб бориш лозим. Шу билан бирга масжидларимизнинг уламола-ри исломга ёт оқимларнинг эътиқод-га зид моҳияти хусусида вазълар билан чиқиш, ёшларни ҳақ йўлга бош-лаш имкониятидан тўлиқ фойдалани-ши зарур.

СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БОЙСУН туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ва ИИБ ходимлари «Дарбанд» ИПХ постида ўтказган тадбирда Рустам Абдурахмонов бошқариб бораётган 19 К 0040 номерли «КамАЗ-5320» машинасида фуқаро Алмурод Худойкулов қўлда тайёрланган 210 литр этил спиртини сотиш учун ноқонуний равишда олиб кетаётганлиги аниқланиб, маҳсулот далилий ашё сифатида олинган.

САМАРҚАНД вилояти ДСБ ходимлари «Зиркота Дахбет» ФХда ўтказган текширувда ҳўжалик раҳбари Исомиддин Шаропов ва бош ҳисобчи Тўракул Бозоровлар жиноий тил бириктириб, Оқдарё туман ижтимоий таъминот бўлимига сохта ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан олинган 1.212.100 сўм нафақа пулини ўзлаштирилганлиги аниқланган.

ЗАРЕБОР туманидаги «Сехри юлдуз» фирмаси раҳбари Р.Аширов ва фирма-нинг собиқ раҳбари О.Камоловлар туман ҳокимияти мансабдорлари ва «Савдогарбанк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси бош ҳисобчиси С.Алишев билан тил бириктириб, устав жамғармасини шакллантирмай улгуржи савдо билан шуғулланиш рухсатномасини қўлга киритган. Улар пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 811.566.000 сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотиб, тушумини банкка топширишмаган. Натижада давлат бюджетига 11.456.033 сўмлик солик ва мажбурий йигимлар тўланмаган.

СИРДАРЁ вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси ходимлари «Шаҳинабону» ФХда ўтказган текширувда фирма раҳбари Ф.Холбеков «Халқ банки»нинг Мирзаобод туман бўлими бошқарувчиси О.Қаршибоев билан жиноий тил бириктириб, фирманинг устав жамғармаси мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатларни қалбақлаштирилганлиги аниқланган.

Туман ҳокимиятининг ўринбосари К.Бойтўраев мансабини суистеъмол қилиб, фирма раҳбари Ф.Холбековга қалбақи гувоҳномани расмийлаштириб берган. Бундан ташқари, Ф.Холбеков пул ўтказиш йўли билан олинган маҳсулотларни қайта сотиб, 5.203.200 сўм нақд пулни банкка топширмаган.

НАМАНГАН вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси ходимлари «Сифат таъмир АТ» МЧЖда ўтказган текширувда жамият раҳбари Ж.Турдиев 2004 — 2005 йиллари муддати ўтган лицензия асосида 1.241.316.400 сўмлик товар айланмасини амалга оширилганлиги, пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 101.200.400 сўмлик маҳсулотларни улгуржи тарзда нақд пулга сотиб, тушумини НКМдан ўтказмаганлиги ва банкка топширмаганлиги аниқланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ

Ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, ихтиёридаги техникага эътибор билан қарайдиган жамоалар бисёр. Аммо техникаларни сақлаш ва улардан фойдаланишга иккинчи даражали иш деб қарайдиганлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Масалан, Чортоқ туманидаги «Чортоқ» ширкат ҳўжалигида йил ҳисоби бўйича асосий воситалар хатловдан ўтказилган. Ҳўжаликнинг машина-трактор саройида нефть омбори ва марказий таъмирлаш устaxonаси ташкил қилинган. Бирок устaxonада техникаларни сақлаш майдончаси бўлса-да, улардаги носозлик бўйича далолатнома ҳамда мавжуд воситаларни қайд қилиш журнали юритилмаган.

Текшириш куни 4 та техника носозлиги туфайли ишга чиқарилмаган. Устaxonада металлга ишлов берувчи ҳамда пармалаш станоклари, газ пайвандлаш аппарати ва

юк кўтаргичлар етишмайди. Шунингдек, техникаларни ювиш майдончаси ташкил этилмаган. Бундан ташқари, ҳўжаликка қарашли айрим техникаларда қатор эҳтиёт қисмларнинг етишмовчилиги, борларининг ҳам носозлиги аниқланди. Тумандаги «Пешқўрғон», Бобур, Ҳамид Олимжон номи ширкатларда ҳам шундай ҳолини кузатиш мумкин.

Туман МТП мутасаддилари деҳқонга қанот бўлиш борасида масъулиятни ҳис этмаётган кўринади. Акс ҳолда галла ўрини учун гоёт зарур бўлган комбайнлар носоз ҳолда қаровсиз ташлаб қўйилмасди. Текшириш куни МТПдаги техни-

ТЕХНИКА — ДЕҲҚОННИНГ ҚАНОТИ

калар кўздан кечирилганда 4 та «Нива», 1 та «Енисей», 2 та «Кейс» комбайни мавсумга шай эмаслиги шундай хулосани келтириб чиқарди. «Алихон деҳқон қаноти» ҳамда «Дўстлик-сарой-сохибкор» машина-трактор парклариди ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Аниқланган ҳолатлар юзасидан прокурорлик таъсир чоралари қўлланди.

Фурсат кутиб турмайди. Бугун ўтаётган кунларнинг ҳар бир дақиқаси қанимат. Қонунал ижросига эътиборли муносабат ҳар соҳада муваффақият гаровидир.

Ёқубжон ЖАМОЛОВ,
Чортоқ туман прокурори

SHU SONGA XABAR

АТРОФИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Андижон вилоят прокуратураси органларининг қонунийлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти ва келгусидаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят прокурори Б.Деҳқонов олиб борган мазкур йиғилишда Бош прокурор ўринбосари Б.Нурмухаммедов иштирок этди. Мажлисда вилоят прокурорининг ўринбосари А.Қуронбоев маъруза қилди.

Танқидий рўхда ўтган йиғилишда асосий эътибор жиноятчиликнинг барча кўринишларига нисбатан муросасизлик билан кураш олиб боришга қаратилиши, назоратнинг таъсирчанлигини таъминлаш, иқро ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, боқиманда қарзларни қамалтириш, аҳолини иқтисодий ҳимоялаш, бандлик, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалигида ишловларни жадаллаштириш, республика президентининг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, илмий бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, воёга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назоратни кўчайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

SAXOVAT



МЕҲР-МУҲАББАТ БАЭМИ

Хивадаги 20-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ёзги таълини Урганч туманидаги А.Ёқубов номи оромгоҳда ўтказишмоқда. Бу ерда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 9-синфни тугатган 14 нафар ўқувчи учун битирув кечаси ўтказилиб, шаҳодатномаларни тантанали топириш маросими бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоят прокуратураси ходимлари, ҳокимликлар ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг масъул котиблари, қасб-хутор келажик раҳбарлари ҳамда ҳомийлар иштирок этишди.

Битирувчиларга шаҳодатнома билан бирга ҳомийларнинг қимматбаҳо савғаларини топишар экан, вилоят прокурорининг ўринбосари Х.Жуманиёзов ва меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон қарамони Вера Пак улар келажакда халқимизга фидойи инсон бўлиб етишиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун яхши тиллар билдиришди.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур тадбир байрамга айланиб кетди. Бундай маросимлар ёшларнинг бир умр эсида қолиб, қомил инсон бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Ф.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

OQ AQOQNING QORA QILMISHI

ДОҒДА ҚОЛГАН ПАҲЛАВОН

Қоракўлдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кўзга кўринган мураббийси, курашчи Аҳтамбой Аллакуловнинг ҳали бирор киши елкасини ерга теккизганини эшитмаганман. Давраларда, кўча-кўйда келбати билан норғул йигитларнинг дилига гулгула солувчи шу алп бугун шарисор бўлиб ўтирса-я...

Келинг, яхшиси воқеани бошидан бошлай қўлайлик. Аҳтам полвон ўтиб кетайтиб, Мировбарқ қишлоғидаги зовур ёқасидан 16-калибри оғ митлигини топиб олади. Гарчанд ҳужжат бўлмаса-да, бўлар-булмаса уни елкасида кўтариб юриши хуш кўради.

Шу йил 25 январ куни уйига қайтаётса, отасининг хонадонидида келинларининг туғилган куни нишонланаётганини айтиб қолишди. Овга чиқиш ниятида турган йигит йўл-йўлакай зиёфатга ҳам кириб ўтмоқчи бўлиб, қуролини елкасига осиб олди.

Ўкин қариндошлар ва аҳил қуданданлар йиғилган давра қизигандан-қизиб борарди. Аёллар ва эркаклар алоҳида ўтиришгани боис иқтидорлиқ меъёридан ошиб қолганди. Тун алламаҳалга етганда ширақайф Аҳтам Аллакулов алжираб, барчани бирга овга олиб боришга тақлиф эта бошлади. Натижа чиқмаган, жондек қудаси Нарзулла Яғмуровни енгидан торқилаб, ҳамроҳ қилаётгани бўлди. Фарзанд-

лари ва мезбонларнинг эътирозига қарамай, қудаси «ботир» овчининг ортидан эргашибга мажбур бўлди.

Ов қилиш ҳали у ёқда турсин, Аҳтам оғзидан нима кириб, нима чиқаётганини ҳам билмас, инжиқлик қилиб, сўкингани-сўкинган эди. Қудаси уни тартибга қачириб, ортага қайтишга ундар эди. Шашти синиб, қадри қўзған эъронининг жоҳиллиги тутиб кетди. Қаҳр устидида ҳамроҳининг бошига бир неча бор милтиқнинг кўндоғи билан қулочкашлаб солди-да, ухлаш учун уйига жўнади.

Аҳиллик рамзи сифатида зиёфат берган қариндошлари Нарзулла Яғмуровнинг қонга бўялган мурдасини эртаси куни пахта даласининг ёқасидан топишди.

Домо сўзи устун, мағлублик нималигини билмаган паҳлавон Аҳтам Аллакулов ҳозир бошини чағаллаганча маҳкумлиқнинг танг ҳужрасида ўтирибди. Шаробқўрлик унинг юзини шувут қилди...

Салим АШУРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
катта терговчиси

GIYOHVANDLIK — ILLAT

ГЛОБАЛ МУАММО

Бугунги кунда наркотики бизнес уюшган жиноятчиликнинг кенг тарқалган турига айланиб, ундан келиб тушаётган маблағлар халқаро терроризмининг қўллаб-қувватлаш учун ҳам сарфланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу жиҳати учун ҳам жаҳон ҳамжамияти бу муаммони глобал миқёсдаги муаммолар ичида энг ўткири деб ҳисобламоқда. Ҳусусан, юртимизда ҳам бу масалага алоҳида ёндашиш келинмоқда.

Айтиш ўринлики, биргина Тошкент шаҳар ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан охириги 5 йилда йилига 1700-1800 та гиёҳвандлик ва психотроп воситаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар фаш этиб келинган.

2004 йилнинг ўзида 1796 та жиноят фаш этилган ва 1993 нафар шахс айбланиб судга берилган, жиноятчилардан 150 кг.дан зиёд гиёҳванд моддалар олинган ва йўқ қилинган.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида шаҳарда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва фаш этиш даражаси йилдан-йилга яхшиланган келмоқда. Ҳусусан, 2004 йилда бу тоифадаги жиноятларни аниқлаш ва фаш этиш даражаси 1,3 фоизга, 2005 йилнинг ўтган даврида эса 8,3 фоизга ортган.

Шунга қарамай, юртимизда гиёҳванд воситаларни олиб кириш, таркибиди гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш ва ўтказиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларга қарши кураш, фаш этиш ва олдини олиш борасидаги фаолиятимизни янада мукамаллаштириш талаб этилмоқда. Энг аввало, жамоатчилик билан ҳамкорлиқни яхши йўлга қўйиш орқали жамиятда бу иллатларга қарши иммунитетни кўчайтиришга эришишимиз зарур.

Ботир ИРИСМЕТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

ПРОКУРАТУРА YORDAM BERDI

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари «Кичик ва ҳусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Бош прокурори ва Адлия вазирининг «Маҳаллий ҳокимият бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувининг олдини олиш тўғрисида»ги қўшма қўрсатмасининг ижроси юзасидан ўтказган текширувларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида шартномаларнинг тўлиқ бажарилмаётгани аниқланди.

Даъво киритилаяпти

Ҳусусан, Термиз туманидаги «Намуна маиший - К» улгуржи-чакана савдо хиссдорлик қорхонаси билан «Шеробод пахта» ОТАЖ ўртасида 34.285.000 сўмлик олди-сотди шартномаси тузилган. Акциядорлик жамияти шартномага асосан олиниши лозим бўлган маҳсулот учун олдиндан 6.096.000 сўм тўлаган. Ўз навбатида «Намуна маиший - К» қорхонаси миқозига 24.677.000 сўмлик маҳсулот етказиб берган.

Бирок, «Шеробод пахта» 18.581.000 сўмлик маҳсулот ҳақини тўламай келган. Шу боис «Намуна маиший - К» қорхонаси фойдасига шу миқдордаги пулни ўндириш тўғрисида вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, даъвонинг қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган.

Музобот туманидаги «Азизбек» ҳусусий дорихонаси раҳбари А.Холиқов «Халқ банки»нинг туман филиалига фаолиятини ривожлантириш учун 1.500.000 сўм кредит ажратилиши сўраб мурожаат қилган. Унинг аризаси қўриб чиқилиб, дорихонага кредит ажратилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу ҳақда банкнинг кредит бўлимига тегишли ҳужжатлар тақдим этилган. Ўз навбатида «Халқ банки»нинг вилоят бўлими банкнинг республика бошқаруви алоқа хати ва кредит ажратилиши учун рухсат сўраб реестр билан мурожаат қилиши лозим эди. Аммо бу ҳақда юқори турувчи банкка хабар қилинмаган. А.Холиқовга ҳам жавоб хати йўланмаган.

Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан бу қонун бузилиши бартараф этилиб, «Азизбек» дорихонасига кредит ажратилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари 2004 йил ва жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъектларининг манфаатини қўллаб 421.797.000 сўмлик 317 та даъво аризаси киритди. Уларнинг аксарияти суд томонидан қаноатлантирилди.

Вилоят прокуратураси томонидан адлия бошқармаси билан ҳамкорликда шу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

Тадбиркор манфаати - қонун ҳимоясида

«Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси назорат
органлари мансабдор шахслари
нинг тадбиркорлик субъектлари

хуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузган-ликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин.»

Ўзбекистон Республикаси президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида

ТАДБИРКОР КИМГА ИШОНАДИ?

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи президентимизнинг доимий эътиборида.

Тадбиркорлик фаолиятига давлат тузилмаларининг аралашу-вини чеклаш, текширишлар натижаси бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш вақти келганлиги ҳар бир фидойи тадбиркорни қувонтиради. Зеро, ҳозирча бу борада талай муаммолар бор.

Шу ўринда бир мисол келтирамиз. «Заминбанк»нинг Навоий бўлими мансабдорлари хусусий тадбиркор Гулноза Худойкулова билан тил бириктириб, Қармана туманидаги «С.Неъматбобо» фермер хўжалигининг «Заминбанк» Навоий бўлимида бўлган ҳисоб рақамидagi 2.000.000 сўм маблағини 2004 йил 13 феврал кuni Гулноза Худойкулованинг ҳисоб-рақамига ўтказиб беришган.

Ҳозир «Заминбанк»нинг Навоий бўлими мансабдорларига нисбатан ЖЖИИ 167-моддаси 2-қисми «в» қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов олиб борилаётган.

Бировнинг ҳақиқия хуфийна «ҳамла қилиш» ҳолатлари «Пахтабанк»нинг Навоий шаҳар бўлимида ҳам учраб турибди. Тадбиркорлар банкларга давлатга ишонгандек ишонса-ю, кўрган рўшнолиги шу бўлса, дardини кимга айтишин.

Президентимизнинг янги фармони бундай қабиҳликларнинг илдизини қирқишига ишонамиз.

Абдурақмат БОЛТАЕВ,
Навоий шаҳар прокурори

Таққилланмаган фаолият билан шуғуллан-увчи, қонундоирасида иш юритувчи тадбир-корлар юрт раънақига хизмат қилади. Узаро рақобат туфайли товар ва хизматларнинг сифати яхшиланади боради.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимиз келажаги-ни белгилаб берадиган бу тоифа вақиллари-га шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафо-суд ҳал қилади. Хўжалик фаолиятини текши-риш ваколатига фақат солиқ идоралари эга. Солиқ ва валютага оид жиноят аниқланган ҳолатда текшириш СВОЖКК департаменти томонидан ниятсизга етказилади.

Фақат жиноят иши қўзғатилган ҳолатдаги-на тадбиркорлик субъектининг бошқа корхо-налар билан муносабатини мўқобил тарада текширишга рухсат берилади. Бундай текши-

ЭРКИН ФАОЛИЯТ ГАРОВИ

латлар тизимини яратганимиз керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг раънақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олинсин».

Ҳозирги кунда ўз вақтида долзарб аҳамият касб этган, вақт ўтиб вазиасини ўтаб бўлган баъзи қонун ва бошқа ҳужжатларни танқидий таҳлил қилиш зарурати туғилди. Республикаимиз президентининг шу йил 14 июндаги «Бозор иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасида устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида иқтисодиётни эркинлаштириш мақсадида қонунларнинг ўзаро мувофиқлигини таҳлил қилиб, тақомилга етказиш вазиаси белгилан берилди. Парламентга тасдиқлаш учун 7 та қонун, 13 та фармон, 9 та ҳуқумат қарори ва 8 та норматив ҳужжат киритилмоқда.

Шунингдек, «Тадбиркорлик субъектлари-ни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон назорат қилувчи органлар-нинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятига асосан эришганимизга чек қўйиш-ни қўзғайди. Унга асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Тадбиркорлик фаолиятини ту-гатиш, тўхтатиб қўйиш, молиявий санкциялар

риш чоғида бевосита ишга алоқадор бўлма-ган бухгалтерия ҳужжатларини талаб қилиш таққилланади. Фармонда назорат органлари мансабдорларини тадбиркорларнинг ҳуқуқла-рини бузган тақдирда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш зарурлиги бел-гилан қўйилди. Бунга қадар уларнинг фаоли-ятига қонунга хилоф аралашуш ҳолатлари кўпайиб кетган эди. Масалан, Олтиариқ туман солиқ инспекцияси ходимлари Х.Турсунов ва У.Бобоев ўтган йилнинг ноябр ойида муво-фиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз «Сотвол-дизе Зафар» деҳқон хўжалигида ноконуний текшириш ўтказишган. Хўжаликда 2,9 млн. сўм жарима солиб, хўжалик раҳбари 3.Сот-волдизеви маъмурий жавобгарликка тортиш-ган. Прокуратура аралашуви билан қонунбу-зарлик бартараф этилган.

Президентнинг «Тадбиркорлик субъектла-ри томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва унинг ноконуний талаб этганили учун жавобгарлигини қучайти-риш тўғрисида»ги қарорига кўра, 1 июлдан бошлаб, кичик корхона ва микрофирмалар солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисоботларни ҳар ойда эмас, ҳар чоракда топширишади. Бу уларнинг вақтинчи ҳисоботга сарфламай, бе-восита ишлаб чиқариш билан шуғулланишига имкон беради. Айни чоғда давлат бошқару-в органлари, ҳокимият идоралари ва бошқа

ташқилотлар қонунда назарда тутилмаган ах-боротлар ва ҳисоботларни тадбиркорлардан талаб қилишга йўл қўймайлик борасида қатъий тартиб ўрнатилади. Ушбу қонунда бузган ман-сабдор жавобгар бўлади. Бунга Кува туман ветеринария бўлими бошлиғи Х.Юсуповни мисол келтириш мумкин. У мувофиқлашти-рувчи кенгаш рухсатисиз «Гулистон» ширкат хўжалигининг фермасида текшириш ўтказиб, мудир Х.Аббасовга маъмурий жазо чорасини қўллаган. Туман прокурорининг протести билан Х.Юсупов маъмурий жавобгарликка тор-тилди.

«Микрофирма ва кичик корхоналарни ри-вожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик со-ҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги фармонларда солиқ тизимини унификация қилиш, солиқлар сони ва юқини қамайтириш, имтиёз бериш кўзда тутилган. Фармонга му-

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ

Қорақалпоғистон прокуратура органлари Ўзбеки-стон президентининг яқинда эълон қилинган «Тад-биркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ти-зимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхона-ларни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бораси-даги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Тад-биркорлик субъектлари томонидан тақдим этилади-ган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганили учун жавобгарлигини қу-чайтириш тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ижро-сини таъминлаш бўйича бир қанча ишларни амалга оширмоқда.

Республикада шу кунгача 18.641 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтиб, шундан 16.315 таси фаолият юритмоқда. Шунингдек, 7811 та фер-мер ва 476 та деҳқон хўжалиғи ҳам мавжуд. Афсус-ки, мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг тўб моҳиятини англамаган айрим мансабдорлар тадбиркорларнинг фаолиятига гов бўлишмоқда.

Жумладан, «Жасовит» фирмаси раҳбари Султон Қутлимуродов кредит олиш учун «Ўзтадбиркорбанк»-нинг Қорақалпоғистон бўлимига мурожаат қилиб, 2004 йил 27 май кuni кредит шартномаси тузган. Унга кўра банк фирмага бир йил муддатга 10 млн. сўм кредит бериш мажбуриятини олган. Лекин банк бошқарувчиси Махсат Муявдинов фирманинг ҳисоб-рақамига 5 млн. сўмни ўтказиб бериб, қолган 5 млн. сўмини шахсий манфаати йўлида талон-тарож қилиб юборган. Шунингдек, Нукус шаҳар ҳокимлиғи қоши-даги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш инспекциясининг 1-даража-ли мутахассиси Гулшира Султонова 2005 йил 23 март кuni тадбиркор Фариза Бобоновадан фир-масини рўйхатдан ўтказиб бериш эъвазига 50 минг сўм пулни пора сифатида олган пайтда қўлга олин-ган. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айблов ҳулосаси судга юборилди.

Республика прокуратураси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисида-ги қонунлар ижроси юзасидан ўтказган текшириш-ларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан те-гишли идораларга 4 та протест киритилиб, 15 киши интизомий жавобгарликка тортилди. 3 та жиноят иши қўзғатилиб, 350 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда қопланди.

Жамол ХОШАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори



«Туркистон - S - росс-фахри» Ўзбекистон-Россия қўшма кор-хонасида ишлаб чиқарилаётган қандолатчилик ва нон маҳсулот-лари қўшни мамлакатларда ҳам яхши таниш. Россиялик ва қозо-ғистонлик ҳамкорлар билан иш-лаб чиқарилаётган 20 турдаги шоколад, мармелад, карамел каби ширинликлар, пече-нье, вафлилар қаторига яқинда янги турдаги тандир нон, «российский» пархез нони ҳамда турли хилдаги булочкалар қўшилди. Тайёр маҳсулотлар миқозларга буюртмага кўра фирма машиналарига етказиб бери-лади.

Имкониятлар кенгаймоқда

«Туркистон - S - росс-фахри» Ўзбекистон-Россия қўшма кор-хонасида ишлаб чиқарилаётган қандолатчилик ва нон маҳсулот-лари қўшни мамлакатларда ҳам яхши таниш. Россиялик ва қозо-ғистонлик ҳамкорлар билан иш-лаб чиқарилаётган 20 турдаги шоколад, мармелад, карамел каби ширинликлар, пече-нье, вафлилар қаторига яқинда янги турдаги тандир нон, «российский» пархез нони ҳамда турли хилдаги булочкалар қўшилди. Тайёр маҳсулотлар миқозларга буюртмага кўра фирма машиналарига етказиб бери-лади.



– Яқинда матбу-отда эълон қилин-ган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаш-тириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги президент фармони биз тадбиркорлар-ни янада руҳланти-риб юборди. Бир сўз билан айтганда,

ҳалол меҳ-нат билан юртимиз фаровонли-гига ҳисса қўшишга имконият янада кенгайди, – дейди Акбар Раи-мов.

Суратларда: янги ишга туширилган булочка тайёрлаш цехи устаси Шаҳноза Азизова; қўшма корхона раҳбари Акбар Раимов; янги тайёрлаш цехи; тайёр маҳсулотлар мана шундай машиналар-да зудлик билан миқозларга етказиб берилади.

Муҳаммад КАРИМ.
Муаллиф олган суратлар



Саҳифаларимизда Навоий вилояти прокуратураси органлари

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўпгина ибратли ишлар амалга ошириляпти. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилиши натижасида вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида жиноятлар сони камайиши кузатилма-са-да, лекин уларнинг фош этилиши 0,7 фоизга яшилганган.

Вилоятда жорий йилда атиги



Қонунлар — халқ хизматарида

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ҳар бир ватандошимизни бефарқ қолдирмайди, албатта. Лекин шу билан бирга, орамизда юртимизнинг осойишталигини кўра олмай, унга раҳна солиш пайида юрган ғаламисларнинг ҳам борлиги барчамизни сергакликка қорлайди. Бу фикрларни касбимизга боғлаб талқин этадиган бўлсак, салгина ноқонуний ҳаракатга ҳам ўрин қолдирмаслигимиз лозим.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам

битта жиноят иши судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилган. Ўтган йилнинг 5 ойи мобайнида 5 та жиноят иши қайтарилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада прокурорлик назорати Бош прокурорнинг 31-буйруғи асосида удаланаётгани кузатилди.

Дастлабки тергов жараёнида қонунларнинг либераллаштирилганлиги муносабати билан судга берилган 554 та шахсдан атиги 169 тасига қамоқ эҳтиёт чораси қўлланган.

Прокуратурага одамлар нажот излаб, бирон-бир ечилмаган ма-

салани ҳал этишга ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Шунинг эътиборига олиб, вилоят прокуратураси томонидан жойларда фуқароларни иш вақтининг исталган пайтида қабул қилиш йўлга қўйилган.

Ишимизда бир-бирдан устувор, бир-бирдан муҳим вазифалар талайгина. Аммо бугун уларнинг моҳияти ёхуд таҳлили ҳақида тўхталиб ўтиришнинг имкони йўқ. Энг асосийси, уларнинг барчаси доимий эътиборимизда.

Облокул АЗИМОВ,
вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари



Нурота туманидаги Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалигидагилар «Жаннат кўра» отари бош чўпони Олимжон Мухторовни ҳар ҳафта молбозорда учратадиган бўлиб қолишди. Нега бунча кўйни бозорга соляпти ёки бошига бирор ташвиш тушиб қолдимкин деб ўйлаганлар, «Олимбой, нима, тўй-пўй борми ё машина олаяпсизми?» деб лўкма ташлаган пайтлар ҳам бўлди. Шунда у сир бой бермай: «Ҳа энди, рўзгорнинг ками кўп бўларкан-да. Чакана молларимни чикараяпман», — деб кўярди.

Беғамлик бел синдирар

Аслида бош чўпон ёлгон гапирганди. У ўзининг қўйларини эмас, балки ширкатнинг 9.757.000 сўмлик 444 та қўй-эчкисини қарийб бир йил давомида сотиб, ўзлаштириб юборган эди. Пуллари эса отасига тегишли «Мухтор» фермер хўжалигининг у-бу харажати учун ҳамда ўз манфаати йўлида сарф қилган.

Санок ўтказиш даврида бош чўпоннинг кирдикорлари очилиб қолди. Фақат нақднинг ўйлаган чўпон тергов давомида ўзи етакзаган за-

рарни тўлиғича хўжаликка қайтаришга мажбур бўлди. Унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоиз давлат ҳисобига ўшлаб қолинди-ган бўлди.

Олимжоннинг ҳаёти изга тушиб кетар, аммо эл орасида йўқотган обрўсини қайта топармикан?

Завқий ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди раиси



Қонунларни ўрганиш ва тарғиб қилишда матбуотнинг ўзига хос ўрни бор. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини янада чуқурроқ билиб олиши ана шу соҳа мутасаддилари.

Самарали ҳамкорлик

рининг қай даражада фидойи эканлигига ҳам боғлиқ. Навоий вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари муассислигида чоп этилаётган «Қонун кучи» газетасининг илк сони 1997 йил 1 январдан чиқа бошлаган эди. 2000 йилнинг ёзидан эса вилоятда рус тилида «Фемида» газетасини ҳам чоп этишни бошлади. Нашрларимизда имкон қадар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органлар фаолиятини қамраб олишга, мақолаларни халққа тушунарли қилиб ёритишга интиламиз. Бундан ташқари таҳририят кўп сонли газетхонларнинг талаб ва истакларини ҳам инобатга олади.

Шу йилнинг баҳорида «Қонун

himoyasida» бирлашган таҳририяти ходимлари билан бирга Бош прокуратура матбуот маркази қошида ташкил этилган бир ҳафталик семинарда иштирок этган эдик. У ерда вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан танишиб, фикр алмашдик. Бир-биримизнинг тажрибаларимиздан огоҳ бўлдик. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, бу учрашувлар шахсан менга кўп масалаларда яхшигина сабоқ мактаби бўлди. Нашрларимизнинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан чиройли чиқишида бундай ҳамкорликнинг аҳамияти бекиёс.

Тошпўлат ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Қонун кучи» ва «Фемида»
газеталари бош муҳаррири

Айрим қорхона ва ташкилот раҳбарларининг у ёки бу масаладаги буйруқлари билан танишиб чиқиб, уларнинг қонун талабларига мутлақо жавоб бермаслигига амин бўласиз.

Ҳайфсан олганга мукофотми?

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қизилтепа туман филиалида ҳам бир қатор ноқонуний буйруқлар чиқарилган. Масалан, филиал бошқарувчисининг 2005 йил 4 мартдаги 30-буйруғи билан халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан барча ходимлар ойлик маошининг бир баравари миқдориде мукофотланганишган. Бу мукофотдан, гарчи ички меҳнат қондаларини бузганлиги учун ҳайфсан олган ва бу жазо амал қилиб турган бўлса-да, етакчи мутахассис С.Азимов ҳам баҳраманд бўлган. Унга 75.300 сўм мукофот пули тўланган.

Шунингдек, бошқарувчининг 39-буйруғи билан етакчи мутахассис С.Азимов ҳам барча ходимлар катори Наврўз байрами муносабати билан 51.220 сўм миқдориде мукофотланган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 180-моддасига кўра, интизоми жазо амал қилиб турган муқаддас мобайнида ҳодимга нисбатан рағбатлантириш чораси қўлланилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, филиал бошқарувчисининг яна иккита ноқонуний буйруғига ҳам протест киритилиб, улар қонунга мувофиқлаштирилди.

Зафар РИЗАЕВ,
Қизилтепа туман прокурори

ШАРТНОМА — ЛАФЗ ДЕМАК

Жазо қўллаш қайсидир маънода осонга ўхшайди. Уни қўллашдан олдин шу ишда гуноҳдан ўтишнинг иложи бормикан, дея ўйлаб кўриш чин инсоний фазилатлардандир. Лекин, афсуски, бундай ёндашув ҳар доим ҳам қўл келар-вермайди...

«Навоий дон маҳсулотлари» ИЧАУ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Тажриба расадхонаси» ИТИДан 1.590.310 сўм асосий қарз ва 889.075 сўм жаримани ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра «Навоий дон маҳсулотлари» ва «Тажриба расадхонаси» ўртасида 2002 йил 20 октябрда давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича 230-шартнома тузилган бўлиб, шартнома бўйича институт «Навоий дон маҳсулотлари»дан 1.357.040 сўмлик 5000 кг «Кросата-элита» навли уруғлик олган, бунинг эвазига 53 тонна ғалла етиштириб топшириши лозим эди. Институт эса умуман дон топширмаган. Бунинг сабаби ўрганилганда, институт раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли уларга ажратилган ерга экин экилмай, яланг қолдирилганлиги аниқланди.

Суднинг 2004 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлан-тирилиб, «Тажриба расадхонаси»дан «Навоий дон маҳсулотлари» фойдасига 1.590.310 сўм асосий қарз ва 889.075 сўм жарима тўланган. 49.587 сўм бож ва 5000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Шу билан бирга, Навоий вилоят хўжалик судининг 2004 йил 21 апрелдаги ақримиға асосан институтнинг мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзгатиildi.

Талъат КАХХОРОВ,
Навоий вилоят хўжалик суди судьяси

Навоий вилоят прокуратурасида мазкур қарор ижроси юзасидан 77 банддан иборат дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, Навоий ихтисослаштирилган прокуратураси томонидан мутахассислар билан биргаликда Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасига қарашли 5-тиббий санитария қисмида «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун ва «Сихат-саломатлик йили» дастурининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, тиббий санитария қисми (ТСК)да фуқаролар, жумладан, она ва боланинг соғлигини яхшилаш учун репродуктив ёшдаги аёллар тиббий кўриқдан тўлиқ ўтказилган. Жорий йилнинг 1 июнига 981 та шундай аёл кўриқдан ўтказилган бўлиб, бу йиллик режанинг 52,2 фоизини ташкил этади. Кўриқнинг самараси ўлароқ, 189 та аёлда экстр-гепитал касаллик топилган. Болалар боғчаларида ҳам текширишлар режа асосида ўтказиб борилиб, болаларнинг бўғма, қоқшол, кўйиғул ва қизамиқ каби касаллик-

Эл соғлиғи — Ватан бойлиғи



Инсон оллоҳ инъом этган неъматлардан баҳра олмоғи учун соғлом, бакуват ва зукко бўлмоғи керак. Зеро, уыр бизга уни сўнгги дақиқаларга қадар мардона ҳимоя қилиш учун берилган. Мамлакатимизда фуқароларнинг саломатлигига катта эътибор билан қаралади. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисидаги қарори фикримизнинг далилидир.

ларга қарши имкон қадар тўлиқ эмланишига эришилаётти.

Лекин, қилинган ишлар ўз йўли билан. Текшириш чоғида баъзи камчиликлар ҳам аниқландики, улар билан муроса қилиш виждонни бирмунча азобга қўяди. Масалан, 5-ТСКнинг терапия бўлимини олайлик. Бутун бошли бўлимда ЭКГ апарати йўқ. Қолган тиббий апаратлар ҳам носоз ҳолатда. Бундан ташқари, ТСКнинг бошқа бўлимларидаги тиб-

бий ускуналар, беморлар учун мўлжалланган қароватлар, озик-овқат сақландиған тўмбачалар эскириб, яроқсиз аҳволга келиб қолган. ТСКнинг туғруқхона ва гинекология бўлимлариники капитал таъмирлаш жорий йилнинг 1-чорагига режалаштирилган бўлса-да, ишлар ханузгача тугалланмаган.

Юқорида қайд этилган қатор камчиликлар НКМК тиббий-санитария бўлими раҳбарлари вазифасига масъулият билан ёндошмаётганидан дарак беради. Шунинг билан 5-ТСКнинг тиш врачлари А.Нурбоев, невропатолог Х.Назарова, болалар бўлими катта ҳамшираси А.Худойберганова ҳамда ҳўжалик бўлими мудири Л.Хайдаровалар қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Навоий кон-металлургия комбинати тиббий-санитария бўлими раҳбари В.Малих номига юқорида қайд этилган камчиликларни тезда бартараф қилиш ҳақида тақдирнома киритилди. Негаки, саломатлик ҳақида қайғуриш мавсумий иш эмас.

Жаҳонгир САТТОРОВ,
Навоий ихтисослаштирилган прокурори

Дунёда инсон учун Ватан осойишталигидан кўра улўғ тушунча йўқ. Бир кўнлик уруш нима эканлигини кўрган-билган одам тинчлик ер юзидаги энг бебаҳо неъмат эканлигини чўқур англайди. 2000 йилнинг август-сентябр ойларида мамлакатимизнинг Саросий ва Узув туманларида, шу йилнинг 13 майида Андижон шаҳрида юз берган террорчилик ҳаракатлари наинки ҳарбийларимиз, балки бутун халқимизнинг аҳилиги ва матонатини синовдан ўтказди.



Ватан ишқи юракда!

Яқинда мамлакатимиз президенти Сурхондарё вилоятидаги чегара қўшинлари ҳузурда бўлиб, Ватан посбонлари билан қилган сўхбатда бир гапни алоҳида таъкидлаган эди: «Эй улўғ Ўзбекистоннинг навиқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда оруз-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиклолини, халқимиз эрқу озодлигини кўз қорачиғидек асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир». Бу фикрлардан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак.

Навоий ҳарбий прокуратураси ходимлари мамлакатимиз конституцияси, амалдаги қонунларига амал қилган ҳолда фаолият юритиб, гарнизон ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунларга риоя қилиниши устидан қатъий назорат олиб бормоқда. 2005 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида режадаги ишлар талаб даражасида бажарилиди. Шундай режалар асосида Куролли кўчалар низомиде белгиланган ҳарбийча юриш, салом бериш, сафда юриш ва техникани моҳирона бошқариш юзасидан мутахассислар иштирокида машғулотлар ўтказиб борилапти.

Дунёда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай пайтларда Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилиш кишидан матонат, зийраклик, қатъият ва салўхият талаб этади. Ғурур билан қайд этиш мумкинки, эндиликда армиямиз жасорат ва чинакам ватанпарварлик мактабига айланди. Ёшларимиз орасида ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб бораёттир. Гарнизонимизда Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этётган ёшларни кўп учратиш мумкин.

Навоий вилоят ҳарбий прокуратураси томонидан ходимларнинг билими ва сиёсий онгини ошириш, қонунийликни таъминлаш юзасидан доимий равишда турли машғулотлар, учрашув ва савол-жавоб кечалари ўтказиб боришмоқда. Натижда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2004 йилнинг шу даврига нисбатан жиноятчилик бирмунча камайди.

Ватанимизнинг барча ҳарбийларини мамлакат мустақиллигининг 14 йиллиги билан табриқлаб, юрт осойишталигини сақлашдек шарафли ишда муваффақият тилайман.

Улўғбек КАРИМОВ,
Навоий ҳарбий прокурори



МАСЛАҲАТДАН БИТАР ҲАР ИШ

Кўркам ва ҳамisha навиқирон Зарафшон шаҳри чўл бағрида кундан-кунга чирой очиб бораёттир. Кўп миллатли бўлишига қарамасдан, аҳолиси ўзига тўх ва осойишталиги, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг тўла-тўқис ҳимоя қилинишида шаҳар прокуратураси аҳил жамоасининг

алоҳида ўрни бор. Шаҳарда ҳўқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ўтказилаётган ҳар бир тадбир аввалдан режалаштириб олинади.

Суратда: Зарафшон шаҳар прокурори Курбон Аҳмедов тезкор ходимлар билан навбатдаги йиғилишни ўтказмоқда.

Ҳалолликдан ган кўн



Алдаётган одам елкасида қанчалик оғир юк борлигини ўйламайди. Чўнки биринчи ёлгонни давом эттириш учун у яна неча-неча мартабала ёлгон сўзлаши лозим. Масалан, Навоий шаҳрида фаолият олиб борган «Фарида Жаҳонгир» хўсусий фирмаси директори А.Тўлаевани олайлик. Фирмада солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текширишда директорнинг 2003 — 2004 йиллари 951.000 сўм миқдордаги солиқларини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги маълум бўлди. Фақат бўғина эмас, у расмий ҳўжатларга сохта маълумотлар киритиб, фирма қўшимча қиймат солиғи тўловчиси бўлмаса-да, ҳисоб фактураларида 1.962.000 сўмлик қўшилган қиймат солиғини кўрсатиб, давлат бюджетига кўп миқдорда зарар etkazган.

Яна бир мисол. «Гулистон» бозорида жойлашган «Express-economy» хўсусий фирмасига қарашли дўконда сотувчи К.Ғаниев ноқонуний равишда 5 турдаги, қариб 70.000 сўмлик спиртли ичимлик ва 268.000 сўмлик пивоно савдога қўйганлиги аниқланиб, маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Айни нопок кимсалар бундай уринишларнинг фойдасидан кўра зарари кўп эканлигини унутадилар. Қўрилган чоралар уларни бу борада ҳолисона тўхтамга келишга ундаса ажаб эмас.

Талъат НАСРУЛЛАЕВ,
Навоий шаҳар прокуратураси ҳузурдаги СВОЖК бўлими бошлиғи

Навоий шаҳар прокуратурасида фуқароларни қабул қилиш жадвали тузиб қўйилган бўлиб, улар доимий равишда иш вақтининг исталган пайтида қабул қилинаёттир. Бу ўз навбатида фуқароларнинг даргоҳимизга эркин кириб келиши, муаммоларини эмин-эркин ифода этишларини таъминламоқда.

Шаҳар прокуратурасига 2005 йил 15 апрел куни Фуқаро Г.Пигченко мурожаат қилиб, вақтинча Россияда сафарда бўлган пайтида унинг Навоий шаҳар «Ғалаба» шўхўчаси 155-уй 55-хонадонини 2004 йил декабр ойида бегона кишилар сохта ҳўжатлар асосида харид қилиб, эгаллаб олгани ҳақида хабар берган.

Мазкур аризани шаҳар прокуратураси текшириб, қайд этилган ҳолат юзасидан Я.Ярашев, О.Акромова ва А.Шахноларга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозир шаҳар ИИБ томонидан олиб боришган тергов тугалланиб, хонадон эгасига қайтарилиш арасида.

Навоий шаҳар «Халқлар дўстлиги» кўчаси 138-«а» уйнинг 34-секция 3-хонадонида яшовчи С.Норқулова ҳам шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган. Қўлида квота йўлланмаси бўлишига қарамай «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти асоссиз равишда уни ишга олишни рад этган.

Мазкур ариза юзасидан назорат тартибига текшириш ўтказилганда, шаҳар ҳўкимчилигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг шу йил 13 апрелдаги 27-йўлланмаси билан С.Норқулова «Навоийдонмаҳсулотлари» АЖга квоталанган иш ўрнига жойлаштириш учун юборилгани, бироқ асоссиз равишда ишга қабул қилинмаганлиги маълум бўлди. Шунга кўра жамиятнинг кадрлар бўлими бошлиғи Х.Ҳасановага нисбатан МЖТКнинг

Фуқаро ҳақ бўлса...

49-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Фуқаро С.Норқулова эса «Навоийдонмаҳсулотлари» АЖга қарашли «Емасол» кичик корхонасига ишга жойлаштирилди.

Шунингдек Навоий шаҳар ХТБга қарашли 4-мактаб ходимларига ойлик маошлари вақтида берилмаётганлиги хўсусида ҳам ёзма мурожаат шаҳар прокуратурасида рўйхатга олинган эди. Шикоят ўрганилганда мактабнинг бош ҳисобчиси Людмила Рикалина кассир Салима Усмонова билан тил бириктириб, ўқитувчилар-


нинг тўлов варақаларидаги маоши миқдорини ўчириб, қўшиб ёзиб, 2004 йилнинг июл ойидан 2005 йилнинг январ ойига қадар 873.099 сўм маблагни талон-тарож қилганлиги ва шу сабабли баъзи ходимлар маошларини ололмай келаётганлиги аён бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳўкуми билан айбдорларга тегишли жазо тайинланди.

Раҳим МАҲАМОВ,
Навоий шаҳар прокурорининг ўринбосари





JOURNALIST SURISHTIRUVI



**Ҳаётида бир марта бўлса-да,
уй-жой қурмаган одамни
топиш қийин. Ўзбек борки,
оилам дея елиб-югуриб,
топганига яхши уй қуришга
ҳаракат қилади ва шу уйда
тўйлар қилади.**

ди. Яшашимиз учун оддий шароитнинг ўзи йўқ. Айтаверсак дардимиз кўн.

**Ғ.Кайназаров,
Н.Гаденко,
У.Умарова.**

Жами 30 дан ортиқ имзо.

Эрта тонгда 50-60 қақирим йўл босиб Олмалиқ шаҳрига кириб борганимизда шаҳарда ҳаёт қайнарди. Атрофдаги ҳўжаликлардан мева-чева ортилган от-арава-ю машиналар шаҳарнинг гавжум бозорларига ошиқарди. Мўъжазгина кончилар шаҳарчаси четдан келган кишини сўлимлиги ва баҳаволиги билан ўзига жалб қилади.

Шикоятчилар билан учрашишдан олдин «Алишер Навоий» маҳалласи идорасига кириб, раис Мирзакарим Ханаев билан анча суҳбатлашдик. Сўнг аризачилар яшайдиган манзилга етиб бордик. Кўп ўтмай одамлар йиғилишди.

Тўғриси, икки қаватли уйларга яқинлашиб бўлмайди. Ҳамма томонидан ахлат уюми. Пашшалар гуҷ-гуҷ. Бадбўй хиддимокқа урилади. Қараб бўлмайди. Атрофда болалар футбол ўйнашяпти.

— Хар икки-уч кунда ахлат машинасида чиқиндилар олиб кети-

уй берамиз дейишади. Лекин ваъда ваъдалигича қолмокда.

— Мен «Интизор» кўчасидаги 17-уйнинг 2-хонадонидаяшаман. Коммунал тўловларни тўлаб борамиз. Бироқ яшаш учун оддий шароит йўқ. Ёрдам сўраб ёзмаган ташкилотимиз қолмади, — дейди Насиба Иброҳимова. — Келишади, аллақандай қозғоларни ёзишади. Сўнг жим бўлиб кетади. Дардимизни кимга айтишни билмаймиз. Бизнинг ҳам одамларга ўхшаб яшашга ҳаққимиз бор-ку.

— Маҳалламизда 31 та ана шундай уй бор. Унда 975 киши рўйхатдан ўтган. Уларнинг 481 нафари ишсиз, — дейди ёнидаги ҳужжатларига қараб маҳалла қўмитаси раиси М.Ханаев. — 30-40 фоиз одамлар рўйхатда турмай яшайди. Арзимас пулга сотиб олган. Коммунал тўловларни тўлашмайди. Талаб қилсак, пул йўқ дейди. Уйдан ҳайдаб чиқара олмайсиз, бола-чақаси бор. Кўпчилигини ишга жойлаштирдик. Ишлашни хоҳламайдиганлар ҳам бор.

Маҳаллақўм йиғилганларга қараб гапида давом этди:

— Бу уйларда сизлар яшайсизлар. Атрофни тозалаб ўтир-

ўтказиб, бошоғриқдан қутулиб қўя қолган.

Бир уйнинг ёнидаги ҳандақдан бир аёл челагини ботириб, сув олар эди. Қизик, сув бўлоқдай отилаяпти. Кейин билсак, ичимлик сувининг қувури ёрилиб, сув «қайнаб» чиқаётган экан.

— Ичимлик суви учун аҳоли пул тўламагач, шаҳардаги сув таъминоти билан шугулланадиган идора раҳбарлари бу ишга эътибор бермайди, — дейди маҳаллақўм раиси хижолат бўлиб.

Аслида бу муаммони ана шу уйларда яшовчи уч-тўрт нафар эркак уйдalasа бўлади. Бироқ ҳаммасида бир фикр: «Нега бу ишларни мен қилишим керак?..».

— Бу уйлар шахримиз марказида жойлашган. Шаҳар ҳуснига доғ бўлиб турибди. Бу муаммодан вилоят ҳокими Козим Тўлағановнинг ҳам хабари бор. У кишининг ўзи уйлари яқинда кўриб кетди, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Жумамурод Маҳмурдов. — Чунки бу уйлари ремонт қилиб бўлмайди. Ҳозир уй-жой муаммолари билан шугулланадиган банклар билан шартнома тузаямиз. Уйлаймизки, муаммо ҳал бўлади. Рўйхатдан ўтганлар қонуний уй-жой билан таъминланади. Дарҳақиқат, ахвол ҳақиқатан хатда ёзилганидан ҳам ачинарлироқ. Масаланинг иккинчи томони ҳақида айтмасак бўлмайди. Шикоятчиларнинг ўзида ҳам масъулият бўлиши керак. Ўзингиз кўрган бўлсангиз керак, одамлар қанчалик лоқайд.

Сўнги сўз ўрнида: Олмалиқдан қайтишда анча илгари эшитган бир латифа ёдимизга тушди: собиқ Иттифок даврида Брежнев хориждан келган меҳмонларни самолётда шахтёрлар яшайдиган посёлкани кўрсатиш учун олиб борибди. Шахтёрларнинг барақларидаги антенналарни кўрган хорижлик меҳмонлар: «СССР ривожланиб кетибди. Сизларда хатто чўчқалар ҳам телевизор кўраб экан», — деган экан. Қиссадан хисса шуки, инсон аввало ўзи яшайдиган уйни озода тутмоғи лозим.

Ҳақ-ҳуқуқни талаб қилиш яхши. Лекин бундан олдин елкамиздаги масъулиятни ҳам унутмаслигимиз керак. Аввал ўзимиз яшайдиган ҳовли-жойни тоза тутиб, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб қўйиб, кейин қонуний ҳужжатларни талаб қилсак ярашади. Медальнинг орқа томони ҳам бор.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Нуқуқ» муҳбири**

ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

ЁКИ ХРУЩЕВДАН ЭСДАЛИК

Кейинги пайтларда тахририятимизга келаётган уй-жой муаммолари билан боғлиқ шикоятлар сони ортди. Кимдир ҳокимнинг ер участкаси ажратмаётганидан зорланса, яна бир юрдошимиз уй-жой мулкдорлари ширкатининг хизматидан норози. Хуллас, бу борада муаммолар кўп. Тахририят шу ҳақида қатор чиқишлар қилди. Шикоятлар оқими бизни яна шу мавзуга қайтишга ундамокда. Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 22 апрелдаги навбатдан ташқари сессиясида уй-жой ширкатлари муаммоларига ҳақиқат эътибор қаратди. Ушбу муаммо нафақат пойтахтда, балки виллоятларда ҳам фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмокда.

Мана, Олмалиқдан келган шикоят:

**«Хурматли бош муҳаррир,
«Нуқуқ» газетасида уй-жой**

мулкдорлари ширкати ҳақидаги мақолаларни ўқиб, сизга ёрдам сўраб шикоят ёзишга жазм қилдик. Бизлар, Олмалиқ шаҳрининг марказидаги «8-март», «Интизор», «Олимпия», Дзержинский номи кўчаларда яшовчи аҳоли, ҳокимиятдагиларнинг лоқайдлигидан қийналиб яшаймиз. Бу уйлар муддатини ўтаб бўлган. Ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган. Хрущевдан эсдалик бўлиб қолган. Энг ачинарлиси, уйимизда яшовчи айрим одамлар атрофни ўраб олиб чўчка ва мол боқишади. Бу ҳам етмасандек, уйларимизда сув йўқ. Сувсиз қандай тозалик бўлиши мумкин?

Айрим уйларда рўйхатдан ўтмаган нотаниш кимсалар ҳам яшайди. Ҳокимиятга, ИИБга бу борада бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин фойдаси бўлма-

лади. Бунинг учун ҳар бир оиладан 300 сўмдан пул йиғамиз. Лекин айримлари шу пулни ҳам беришмайди, — деди маҳалла қўмитаси раиси норози бўлиб.

Биринчи қаватдаги баъзи хоналарни ёниб кетган уйни кўрсатиб, «Бу ерда ҳам одамлар яшайдими?» — дея сўрайман йиғилганлардан.

— Албатта. Биз яшаймиз, — дейишди бир гуруҳ аёллар чувуллатиб. — Сув йўқ. Чироқни ҳам ўчириб қўйишади...

Бу уйларда одам яшашига ишонмайсиз. Баъзиларининг эшик ва деразалари кўчириб кетилган ва ўт қўйиб юборилган. Уруш манзарасини эслатади.

— «Интизор» кўчасидаги 21-уйнинг 6-хонадонидаяшаман, — дейди Н.Гиденко. — Бу уйлар аллақачон «умрини» яшаб бўлган. Ҳокимиятдагилар ҳар йили янги

саларингиз ўзларингизга яхшику. Мана бу чиқиндиларни ахлат сақлайдиган жойга ташлаш керак.

У шундай деб уйнинг подвезидаги ахлат уюмини кўрсатди. Шу пайт оғзига сигарет қистириган аёл маҳаллақўмга ташланиб қолди.

— Нима учун мен одамларнинг ахлатини тозалашим керак? Маҳаллақўм ва ҳокимият нима иш билан шугулланади?

Биз у ерда яшайдиганларнинг кўпчилиги билан гаплашганимизда улар ҳам шу фикрда эканлиги маълум бўлди.

Бу уйларнинг ҳужжати билан танишганимизда баъзи нарсалар ойдинлашди. Бу уйларда яшовчилар коммунал тўловларни тўламаганлиги учун уйлари шаҳар ҳокимияти ўзининг балансида қичариб, маҳаллақўм тасарруфига



NAZORAT

Чилонзор туман прокуратураси томонидан тумандаги уй-жой мулкдорлари ширкатларида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиб келинмокда.

Баъзи ҳолларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи муассасалар томонидан «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорининг ижроси тўлиқ бажарилмаётганлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмокда.

Чилонзор тумани, 1-мавзе, 40-уйда яшовчи фуқаро Л.Побережский туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, «Чилонзор-максустранс» давлат унитар автокорхонасининг ходимлари фуқаролардан кўрсатилган хизмат учун нақд пул йиғайтганлиги, лекин бунда банкнинг кассирини шитирик этмаётганлигини баён қилади.

Текширишда ҳақиқатан ҳам автокорхона ходимлари 2005 йил 2 феврал кунини фуқаролардан пул йиғиб, тегишли тартибда қвитанция бериб,

КАССИРНИНГ ИШТИРОКИ ШАРТ

пулни автокорхона кассасига кириб қилишган. Бироқ ушбу жараёнда банкдан бириктирилган кассирлар иштирок этмаганлиги аниқланган.

Ваҳоланки, юқорида таъкидланган қарорнинг 5-бандида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация ҳаражатлари учун аҳолидан пул маблағларини кассаларни четлаб, мустақил йиғиш таъкидланганлиги кўрсатилган.

«Чилонзор-максустранс» давлат унитар автокорхонасининг ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди ва корхона раҳбари қонунбузилишларга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди.

С.БЕКТОЕВ,

Чилонзор туман прокуратури ёрдамчиси

Куйидагилар УМШ уюшмаларининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондиди куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

уй-жой фондидининг техникавий ҳолатини сақлаш, уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш масалалари бўйича УМШнинг эксплуатация, авария-таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш.


Ўзбекистон Республикаси президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан.

Белгилаб қўйилсинки: барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилган коммунал хизматлар учун календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт; шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддатли ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдоридан, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда пеня қўйиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан.

UCHRASHUV

Сўхбатдошимни таништириб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. У киши кўпқиррали, ўзига хос санъаткор, ҳалқимизнинг сеvimли актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Ражабовдир. Камина у кишини биринчи бор тахминан 1975-76 йилларда кўрганман. Ушар кезлари пойтахтнинг Бешёғоч даҳасидаги 90-мактабда таҳсил олардим. Одатдаги кўнларнинг бирида мактаб бўйлаб «Киночилар келармиш. Ўқувчиларни ҳам суратга олармиш» қабиллидаги миш-мишлар тарқалди. Дарҳақиқат, тез орада мактаб ҳовлисида уч-тўрт киши пайдо бўлиб, юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳини танлаб олишди. Келишилганидек, тайинланган кўни бизни автобусга ўтказиб, «Ўзбекфилм» киностудиясига олиб келишди. Бинога киргач, ҳаммамизни битта хонага олиб бориб, йиртик-ямок ятак, тўн, қалпоқ бериб, кийинтириб қўйишди. Киностудиянинг орқа томонидаги ҳовлига чиқсак, сунъий бозорча қурилган бўлиб, биз у ердаги ҳалқни кўрсатишимиз керак экан. Тезда ролга киришиб кетдик. Бир маҳал бозорчининг орқа томонидаги дарвоза очилди-ю, кий-чув кўтарганча отлик босмачилар бостириб келишди. Тўс-тўполон бошланди. Шовкин-сурон сал босилгач, отда кўр тўкиб ўтирган кўрбоши кўринди. Очиги, шу пайтгача «босмачи»ларни фақат бадий филмларда кўрганлигимиз боис, уларни ҳаётда кўриш биз учун қўтирмаган ҳол эди. Айнақс кўрбошининг ўзини туттириш болаларча шуғулимизда ўзгача из қолдирган эди. Бироздан сўнг, суратга олиш жараёни тугагач, маълум бўлишича, босмачилар — гримдаги артистлар экан. Эргаш кўрбоши эса актёр Мурод Ражабов бўлиб чиқди. Бу филм «Кўкон воқеаси» номи билан экран юзини кўрди.



лағ, вақт кетаяпти-ку! Қолаверса, таниқли актёрларимиз қолиб, эстрада хонандалари рол ўйнашмоқда.

— Боя айтиб ўтганимдек, филм суратга олиш аввало санъат ҳисобланади. Аммо афсуски, кейинги пайтларда ана шу санъатни ҳунарга айлантириб олиш ҳоллари тез-тез учраяпти. Бундан мақсад битта — пул ишлаш. Бу бизга хориждан кириб келди. Масалан, Арнолд Шварценеггер, Жеки Чан, Стивен Сигал ва Силвестер Сталлонелар актёр эмас, спортчилардир. Уларнинг кинолари эса тижорат филми ҳисобланиб, моддий манфаат учун суратга олинади. Натижада юқоридаги каби норозиликлар пайдо бўлмоқда.

Энди ўзимиздаги филмларга, уларда эстрада хонандаларининг ўйнашига келсак, Бу ҳақда анча-мунча гапирилди. Ёзилди ҳам. Нима ҳам дердим? Ўзингизга маълумки, бугунги томошабин асосан ёшлар.

Мурод РАЖАБОВ:

Мен бошқакаларга ҳавас қилмаман

Мақола аввалида айтиб ўтганимдек, Мурод ака серкирра ижодкор. Ижобий ёки салбий қаҳрамонни яратиш керакми, ўйнаётган роли драматик ёки комикми, у кишига фарқи йўқ. Бир ҳилда масъулият билан ёндашди. Мисол тариқасида «Тўйлар муборак»даги сартарошни эслашнинг ўзи кифоя. Қиёсан олганда эпизодик ҳисобланган бу ролнинг қандай ижро этилганига ҳамма гувоҳ бўлган. «Ажойиб ҳаёлпараст», «Темир хотин», «Темир эркак», «Тангалик болалар», «Кичкина табиб»... Эҳ-ҳэ, санайдиган бўлсак, у киши қатнашган филмлар юзга яқин.

Хуллас, келишилганидек у киши билан пойтахтдаги санъат институтида учрашдик. Мурод ака шу ерда талабаларга дарс берад экан.

— Мурод ака, истиқлолга эришганимиздан кейин миллийлик, қадрият, урф-одат каби тушунчаларга кенг ўрин берилга бошланди. Кинода ҳам бу жиҳатга маълум даражада эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб айтинг-чи, миллий кино деганда нима тушунади?

— Нима десам экан? Авваламбор, ҳар қандай филм ишланганда, биринчи галда қайси миллат бўлишидан қатъи назар, ўша халқнинг шоду хурсандчилиги, муаммоларини юз кўрабларини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Орада эса ўша халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган анъаналарга урғу бериб ўтилади. Буни айниқса, ҳинд ва грузинларнинг киноларида кўриш мумкин. Лекин бу билан ўша асар миллий бўлди дейиш нотўғри, назаримда. Айтмоқчиманки, қаҳрамонларнинг бошига дўппи, эгнига тўн кийдириб қўйган билан филм миллий ҳисобланмайди. Ҳар қандай филм аввало санъат асари бўлиб, умумхалқ мулки ҳисобланади. Дейлик, хорижда қойилмақом қилиб ишланган бирор-бир драматик филмни кўрсангиз ўша қаҳрамонга беҳтиёр қўшилиб хафа бўлса сикиласиз, хурсанд бўлса қувонасиз ҳам.

Ваҳоланки, ўша кино ижодкорларини қаҳрамонлари ҳам ўзга миллат вакилларикидир. Биласизми, Сўқротнинг бир гапи бор, ўзингича англадеган. Инсон ўзини, ўзлгини танимас экан, ундан бирор нарса кутиш бефойда. Ана шу ўзлигини англаш филмларимизда ҳам акс этсагина, миллий тус олган бўларди.

Ҳозир бундан анча йиллар илгари Россия шаҳарларидан бирида бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди. Сафарнинг иккинчи ё учинчи кўни ўша ерлик бир йигит меҳмонга так-

табий қабул қилишади. Лекин, улар ҳам ота-онасини ёки яқинларини хўрлаш эпизодлари бўлган филмларни кўрсалар, албатта таъсирланадилар. Санъат аҳли бирор-бир юмушга қўл урар экан, биринчи галда ана шуларга эътибор бериши керак. Албатта, давр тақозосига кўра ишланадиган кинолар ҳам бор. Масалан, Англия давлати кризисни бошидан ўтказётган кезларда Чаплин иштирокидаги филмлар пайдо бўлган. Ёки ўзимизда ишланган «Темир хотин»ни олайлик. Эндигина му-

русчасига «призвание» дейди-ку, оддий тил билан тушунтирганда қалб амрига қўлоқ солиш бу.

— Шу ўринда бир савол. Дейлик, Умас Алишўжаевнинг тилисотида Отабекни кўрсак, Қумуш деганда Гулҳеҳра Жамилова кўз олдимизга келади. «Утган кўнлар» филмининг муваффақияти ҳам шунда эди, менимча. Шундай экан, бу филмни қайта суратга олиш шартми?

— Биласизми, ҳар қандай асарни ҳеч бир монеликсиз қайта ишлаш мумкин. Мисол учун Шекспирнинг асарларини олинг. Ёки «Титаник» кемасининг ҳалокати ҳақида ҳикоя қилувчи ўнга яқин филм бор. Қолаверса, ҳар қандай режиссёр бирорта филмни яратишга киришар экан, биринчи галда албатта унинг ҳар томонлама тўла-тўқис бўлишини истидаи ва шунга ҳаракат қилади. Томошабинларнинг иккинчи ёки учинчи бор янги галда талқинда ишланган кинони қандай қабул қилиши энди иккинчи масала. Дейлик, янги галда талқин ўзини оқламади, аввалгиси яхши эди деймиз. Аммо, кейингиси биринчисига қараганда ҳар томонлама яхши чиқиб, ўзини оқласа-чи?

Уйлайманки, келгуси давр ижодкорлари ҳам Абдулла Қодирий асарларига яна кўп бор мурожаат этишади. Ҳар бир давр ижодкори унинг асарларини ўзича талқин қилади.

— Ҳозирги кўнда ой сайин суратга олинаётган, мантқиқ дая аталмиш тушунчадан анча яқинроқ филмлар ҳақида нима дейсиз? Ахир бунинг учун қанчадан-қанча маб-

Қолаверса, бугунги эстрада ҳам анча такомиллашган. Шундай бўлгач, кинода нима чиққан хонандалар қанча кўп рол ўйнаса, бу филм шунча овоза бўлмоқда. Уйлашимча, бу ҳолат ўтқинчи. Орадан маълум муддат ўтгач, ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

Айтмоқчи, яна бир гап. Ўрни келиб қолди-да. Камина кинони шундай тасаввур қиламанки, дейлик, экранда дала манзараси намойиш этилмоқда. Буни кўриб турган томошабин ўт-ўланларнинг исини туйсин. Баъзи режиссёрларимизга ҳайрон қоламан. Масалан, филм қаҳрамони қишлоқлик қиз бўлгани ҳолда, ролга шаҳарда туғилиб ўсган, умрида далани кўрмаган қизни тақлиф қилишади ва биринчи галда унинг ҳуснига аҳамият беришади. Тўғри, кинода ҳусн керак, аммо томошабинни гўр деб ўйлаш керак эмас.

— Сўнгги пайтларда нима билан машғулсиз?

— Яқинда «Дўстлар» номли янги филмни суратга олишни якунладик. Ҳозир овоз ёзиш жараёни кетмоқда. Асосий ролларни Эркин Комилов, Мирза Холмиев, Исомилло Абдулхайиров ва камина ўйнаганимиз. Филм пенсияга чиққан тўрт нафар дўст ҳақида. Назаримда ёмон чиқмади.

— Мурод ака, сўхбатимиз сўнгиде мавзудан салгина чекин-сак. Бахтлигимиз?

— Бу саволингизга нима дейишга ҳам ҳайронман. Кўпбал таъинларим мени бахтли дейишади. Аммо ўзим буни ҳис қилолмайман. Аниқроқ айтсам, мен бошқаларга ҳавас қиламан. Назаримда, улар мендан бахтлироқ одамлар.

Фағружон АЛИМОВ,
«Нуқуқ» муҳбири



Мурод Ражабов ҳамкасб дўстлари билан

лиф қилди. Йўқ деёлмадим. Уйда қари отаси бор экан. Биз кирганимиздан кейин ҳалиги йигит отасига кўчага чиқиб айланиб келишни тайинлади. Аммо ота қайсарлик қилиб унамади. Шунда ўйлининг оғиздан чиққан гапларни эшитиб ҳайрон қолдим. Албатта, отаси ҳам жавоб қайтаришда ўғилдан қолишмади. Шунда мен чидай олмади, кетишга изн сўрадим.

— Ҳа, нимага? — ҳайрон бўлиб сўради мезбон.

— Сизларни тушунолмадим. Биз ўзбеклар ота-онамизни бошимизга қўйгудек бўлиб юрамиз. Уйга меҳмон келса, уларнинг дуосини олмай кетмайди. Сен бўлсанг уйингга меҳмон олиб келиб, отангни ҳайдаялсан.

Хуллас, гапим таъсир қилди шекилли, ота уйда қолиб, биз билан ўтирди. Ана кўрдингизми, бу ҳолатни кўриб биз даҳшатга тушсак, улар

стақилликка эришган пайтларимиз, ўтиш даврини бошдан кечираётганимизда суратга олинган бу филм ўша пайтда одамларни озгина бўлсада турмуш таъшишларидан қалғиш мақсадида ишланган. Булар, албатта, шахсий фикрларим.

— Умуман, кино нима учун ишланади? Таълим-тарбия воститиси сифатидами ёки даромад уқунми? Бу ҳақда ҳам актёр, ҳам режиссёр — кино мутахассиси сифатидаги фикрингиз қандай?

— Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, шеър, ҳикоя, қисса ва романлар нима учун ёзилади? Нима учун кейинчалик китоб ҳолида чоп этилади? Агар кўзга кўринмас бир нарса ўша ёзувчи ёки шоирнинг қалбини ларзага солмас экан, бундай асарлар дунё юзини кўрмас эди. Назаримда, кинода ҳам шундай. Кино ҳам яхши ёзилган китобдек гап. Буни

Мурод ака билан шу йилнинг бошида, эрта баҳорда учрашган эдим. Ушбу сўхбатини ярмидан кўпроғи ўша кезде қозғога туширилган бўлса-да, айрым сабабларга кўра чала қолиб, саҳифага қўйилмаган эди. Мана, ҳечдан кўра кеч дегиларидек, таниқли санъаткор билан миллий театр биносининг ёнида яна учрашдик. Ўша ердан метронинг «Пахтакор» бекатигагина сўхбатлашиб келдик. Сўхбатимиз мавзуси асосан кино ҳақида бўлгани ҳолда, сўнгги — бахт ҳақидаги саволни беришим ҳам, йўл-йўлакай, одамларнинг у кишини бар-бириса кўрсатиши, кетма-кет савол-алиқ қилиши тўғриси бўлди. Ҳақиқатан ҳам оддий одамлар наздида машҳур бўлиш бахт. Қолаверса, бахтни ҳамма ҳар хил тушунади. Лекин, қайсибир маънода Мурод ака ҳам ҳақ. Инсон зоти борки, бир-бирига ҳавас қилиб яшайди.

MUSOHABA

— Мақсуд ака, айтинг-чи, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда прокуратура идоралари қандай ўрни тутаяди?

— Истиқлол туфайли прокуратура идораларининг таъриф-таъсифи сезиларли даражада ўзгарди. Маъмур идора фақат қонунлар ижросини назорат қилиб, жиноятчиға айб ёълон қилиш билангина шугулланиб қолмади. Эндиликда прокуратура органларининг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини, Ўзбекистоннинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Жамиятда қонунийликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири аҳолига мамлакат конституцияси, қонунлари, президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини тушунтириб беришдир. Шунинг учун «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қонун ижодкорлиги ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг бosh мақсади буюк давлатни барпо этиш экан, бунда аввало прокуратура идораларининг зиммасига муҳим ва залворли масъулият юкланди.

Албатта, биз олиб бораётган тарғибот ишлари натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини англаб етиши ва ундан самарали фойдаланиши жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг кучайишига сезиларли таъсир кўрсатади деб ўйлайман.

— Оммавий ахборот воситалари ва матбуот билан алоқаларингиз қандай?

— Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали 622 та чиқиш қилинган.

ОАВ — жамият кўзгусидир. Улар орқали теваарак ва ўзинг яшаб турган муҳитда нималар юз бераётганини англаб етасан. Мат-

та эшитгандан бир марта кўрган афзал деб бежизга айтилмаган. Буни чуқур ҳис қилган Хоразм вилоят прокуратураси маҳаллий телевидение билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Хоразм телевидениеси орқали ҳар кун икки маҳал эфирга узатиладиган «Бугун» ахборот дастури орқали прокуратура ходимлари чиқиш қилиб, қонунчиликнинг аҳоли, жиноятчилик тафсилотларини шарҳлаб

ҚУНДАЛИК ВАЗИФАМИЗ НЕГИЗИ

буотга таъриф берганда, уни «миллионлар минг» ҳам дейишади. Менга қолса «миллионлар муаллими» деган бўлар эдим. Нега деганда гаёжум шаҳарлар-у энг чекка қишлоқларда яшовчи одамлар телевизор, радио, газета-журналлар орқали ахборотга, билимга бўлган эҳтиёжини қондирадилар.

Хоразмда 1.300.000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда «Муҳофаза», «Осоёишталук учун», «Хоразм ёшлари» газеталарда бериб борилаётган очерк, мақола ва фельетонларнинг ўрни бекиёс.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон кўриш орқали энг кўп таасурот олар ҳамда ахборотларни эслаб қолар экан. Зеро, минг мар-

борадилар. Шунингдек, ҳафтада икки марта эфирга узатилаётган «Криминал хабарлар» аллақанда минглаб мухлисларнинг эътиборини қозонган десам муболага бўлмади.

«Криминал хабарлар» кўрсатуви учун прокуратуранинг ўзида махсус студия ташкил қилинган. Яқинда раҳбариятимиз студияни замонавий монтаж аппарати билан таъминлади. Эндиликда кўрсатув сценарийси вилоят прокуратурасида ёзилиб, тасвирга олинган, шу ернинг ўзида монтаж қилинмоқда. Кўрсатувни тайёрлашда техник ходимларимиздан Ойбек Жуманиезов, Ражаббой Маткаримов ва Баҳром Аҳмедовлар самарали ишлашапти.

— Баъзан телевидениеда вилоят прокуратураси томонидан

ишланган видеофилм ва роликларни намойиш этишади. Ҳамкасбларингиз орасида ижодга мойиллари, сценарий ёзувчилар ҳам борми?

— Бажарилган ишдан қониқиб ҳосил қилинган жойда иш тўхтаб қолади деб ҳисоблайман. Албатта, ҳар бир инсон вазифасига ижодий ёндашмоғи зарур. Шунда янги ташаббус ва ғоялар вужудга келади.

Хоразм вилоят прокуратураси жиноятчиликка қарши курашда телевидениенинг ўрни бекиёслигини англаб етган ҳолда бир нечта видеофилм яратишга журъат қилган эди.

Вилоят прокурорининг ғояси асосида «Аср вабоси — гиёҳвандлик», «Умр баҳоси», «Наркотерор — эълон қилинмаган уруш»,

Хоразм вилоят

прокурорининг

қонунчилиқ

тарғиботи бўйича

катта ёрдамчиси

Максуд Искандаров

билан суҳбат

«Жаҳолат» каби видеофилмлар ишланиб, Хоразм телевидениеси орқали кўрсатилди. Видеофилмларнинг кассеталари ўқув даргоҳлари ва қорхоналарга ҳам кўп нусхада тарқатилиб, ёшларнинг мукаммал танишиб қиқишига имконият яратилди.

Шунингдек, огоҳлик ва ҳушёрликка қақирувчи ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун талабларини тушунтириш бўйича видеороликлар ишланиб, телевидение орқали намойиш қилиб келинмоқда.

— Эртанги режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— XX аср интеллектуал ёшлар асри бўлмоғи керак, — деган эди юртбошимиз Исом Каримов. Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маълумки, ўз ҳуқуқ ва бурч-

ларини қай даражада ҳис этиб, ҳаётда қўллай олишда намоён бўлади. Шундай экан, биз ёшлар ўртасида кўпроқ маъруза ва суҳбатлар уюштиришимиз лозим.

Ҳозир юқорида санаб ўтилган видеофилмлар каби филмлар, видеороликлар ишлаш ҳамда «Қонун ва ижро» номи янги кўрсатувни маҳаллий телевидение ва радиогоҳ олиб чиқиш лойиҳаси устида ишлаяпмиз.

Келажада оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорликни яна ҳам мустаҳкамлаб, аҳолининг ҳуқуқий билиминини ошириш, воҳамизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни таъминлаш йўлида хизмат қилаверамиз.

«Нуқуқ» муҳбири

Эрнўлат БАХТ суҳбатлашди

ТО'УХАТ O'RNIDA

УСТОЗ ИБРАТИ

Шаҳар прокурори бошчилигидаги тезкор тергов гуруҳи воқеа жойида ваҳшиёна қотиллик шохиди бўлишди. «Волга» — ГАЗ-21 автомобилли ёниб битган, темир каркаслари — скелети қолган эди, ҳолос. Энг даҳшатлиси, машина салонида қуйиб кетган икки одам жасади ҳам бўлиб, бўй-бастига қараганда 7-10 яшар болалар эди. Теваарак-атрофда ҳеч қандай иб ёл, Хусанбек Абсаровнинг топшириғига асосан тергов гуруҳи «Волга»нинг кимга тегишли эканлигини аниқлашга киришди. Кўп ўтмай машинанинг эгаси аниқланди. У бир неча кун аввал ўғли ва қизи билан чиқиб кетганга қайтмаган экан. Хотинининг сўзларига қараганда, бир танишларни қарзга пул олиб, қайтариб беришни ортага сураётган, ўша пулни сураб олгани кетганди. Хусанбек Абсаров ўша заҳоти Усмоновни қамоққа олиш тўғрисида санкция берди. Дастлабки тергов мобайлида кўз кўриб, қулқ, эшитмаган жиноят тафсилотлари бирма-бир тикланди. Ўша кун Баходиржон унинг эшигини таққиллаб бораганда, уйига таққил қиладди. Қарзни ҳозир тўлаёсан деб оқтираб олганда тўсатдан пичоқ уриб ўлдирди. Эр-хотин Усмоновлар

жасадини уйлари ёнидан қўиб ўтган каналга ташлаб юборишади. Сўнгра у миниб келган «Волга»нинг олдиға бориб қарашса, орқа ўриндиқда қизи ва ўғли ўтирибди. Қотиллар жиноят изини яшириш учун болаларга пичоқ санчиб ўлдирган, машинаға ўт қўйиб юборишади...

Ўқимишли, тажрибали, ҳаётнинг паст-баландини яхши билган, ҳамсуҳбатнинг руҳиятидаги нозик жиҳатларини дарҳол илб олиб, фельетвори ҳусусида аниқ тасаввур ҳосил қиладиган Хусанбек ака Абсаров кўл остида ишлайдиган ходимлардан ҳар қандай жиноятни муфассал ўрганиб, текшириб фойда этишини талаб қиларди. Қўжон шаҳар прокурори этиб тайинланганча шаҳар ва вилоят прокуратураларида терговчи, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, тергов бўлими бошлиғи, вилоят ИИБ тергов бўлими бошлиғи, вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаб ортирган тажрибасига таяниб, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишға қаратилган кенг қамровли, самарали ишларни йўлга қўйганди. У прокурор бўлиб ишлаган 1970 йилларнинг охири — 1980 йилларнинг бош-

ларида Қўжонда оғир жиноятлар нисбатан қамайгани, ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлангани шунинг натижаси эди.

— Ҳар қандай ишни адолатли ҳал қиларди, — деб эслайди ўша пайтларда Қўжон шаҳар прокуратурасида иш бошлаган, айни чоғда шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимда меҳнат қилаётган Қажрамон Солтоқлиев. — Ўзига нисбатан талабчанликни, қатъий интизомни, ишда, юриш-туришда саришталикни устоздан ўрганганим.

Дарвоқе, устознинг энг яхши фазилатлари, ибрати ва ўғитлари шогирдлари сиймосида ҳам намоён бўлади. Айни чоғда Қўжон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, икки муддат туман прокурори лавозимда ишлаган Носиржон Раимқулов, Бешариқ туман СВОЖҚК бўлими бошлиғи Абдулваҳид Ашуров, шаҳар ва туман прокурори, вилоят прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатган нафақадаги Соҳибжон Зубайдуллоев, айни чоғда Риштон туман прокурори Қозимжон Зоҳидов, Самарқанд вилоят прокурори Акбаржон Азизов каби шогирдлар устоз ишини давом эттиришапти, юрда қону-



нийликни таъминлаш борасида фаолият юритишапти. Хусанбек аканинг қизи Лариса Абсарова ота изидан бориб, ҳуқуқшунослик касбини танлади. Қарийб 27 йилдан буён прокуратура органларида ишлаб келаяпти. Фарғона вилоят прокуратураси бўлими катта прокурори Л.Абсаровнинг меҳнати муносиб тақдирланиб, «Шуҳрат» медалли билан мукофотланди.

Уруш ва меҳнат фахрийси, айни пайтда ҳам Фарғона савдо-таъминот идорасида ҳуқуқшунос лавозимда меҳнат қилаётган Хусанбек ака Абсаров 80 ёшга қарши олибди. Устозни ҳамкасблари, шогирдлари қутлуг сана билан савимий муборакбод этмоқда, тани-сҳатлиқ, ишларида омадлар тилашмоқда.

Муродил АЛИМОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

АJOYIBU G'AROYIB

- Торонто шаҳрида яшанба кунлари кўчада ўлик отларни олиб юриш тақиқланди.
- Италияда эркак киши кўчада юбка кийиб юрса қўбсга олинади.
- Францияда темир йўл устида ўпишиш, шунингдек, қўчани «Наполеон» деб сўйиш ман этилади.
- Германияда ҳукм сураётган қонунларга мувофиқ ёшнинг пасив кул олмаслиги тақиқланди.
- Австралияда ҳар бир таксичи машина юқонасида озгина пичан олиб юриши шарт, шунингдек, бар эгалари ҳам мижозларнинг отлари учун қайғуриши керак.
- Канаданинг Алберт провинциясида ёғоч заворидлари уларни бўша таққилланди. Онтарио провинциясида автомобилчилар тезликни соатига 80 км/сг ошириши мумкин эмас, лекин велосипедчилар барча йўлларда қуйиб ўтиш ҳуқуқига эга. Новоскотия провинциясида майсаларни ёмғир пайтда сугорини таққилланди.
- Данияда тўхтаб турган машиналардан фарқ қилиши учун юриб кетаётган машиналар фараларини ёқиб қўйиши шарт.

Элбек БОЙМУРДОВ тайёрлади
Ўтаманларнинг охирати обод бўлсин!

Республика баш прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийлари Иктомий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ маркази прокуратура фахрийси

Анатоллий ПОПОВНИН
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия-хор этди.

HUQUQ
yuridik gazeta

To'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdullolq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahrididdin VALIYEV, Abdualim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'rib chiqishni bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan to'yxat olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 661.14584 nuxxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbahchi muharrir: **Hasan NISHONOV**
Musahhili: **Adolat MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678

Gazeta
haftaniga
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda